

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ ШУҲРАТ МОЙЛИЕВИЧ

**БОБУР ИЖОДИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ
(ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, ҷоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 81:821.512.133.(02)
(092)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Ҳайитов Шуҳрат Мойлиевич

Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили)	3
--	---

Ҳайитов Шуҳрат Мойлиевич

Изучение творчества Бабура за рубежом (сравнительное исследование узбекских и турецких источников)	25
---	----

Hayitov Shuhrat Moyliyevich

Studying the creativity of Bobur abroad (comparative study of uzbek and turkish sources)	47
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of pulished works	51
---	----

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Fil.01.10 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЙИТОВ ШУҲРАТ МОЙЛИЕВИЧ

**БОБУР ИЖОДИНИНГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ
(ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, ҷоғиштирма тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В 2018.1.PhD/Fil416 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.md.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қулмаматов Дўстмамат Сатторович
филология фанлари доктори

Невматилла Отажонов
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Андикон давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Fil.01.10 рақами илмий кенгашнинг 2018 йил «___» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62; (99871) 227-10-59; факс: (99871)246-65-24, e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети, Хорижий филология факультети (1 қават, 112-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.(____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 400-уй. Тел.: (99871) 246-08-62.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси.)

А.Г.Шереметьева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Ш.О.Назирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

И.А. Сидикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётида ўзбек халқининг буюк алломалари ва улардан қолган бой адабий мерос қаторида Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари, хусусан, унинг «Бобурнома» асари тарихий-бадиий асар сифатида катта аҳамият касб этиб келмоқда. Бу қомусий асар фаннинг турли соҳаларини қамраб олувчи манба ҳисобланади. Шу боис ҳам уни дунё олимлари катта қизиқиш билан ўрганиб келишмоқда. Асар шу кунга қадар 17 та етакчи миллий тилга таржима қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бири турли йилларда қайтадан чоп этилган. Бобур ижодининг хорижда ўрганилишида турк олимлари томонидан қилинган ишлар ҳам таҳсинга сазовордир. Бобурнинг девони, «Бобурнома», «Мубаййин» «Рисолайи волидийя» асарлари турк тилига таржима қилинган бўлиб, аммо турк олимларининг бобуршуносликдаги бу каби ишлари адабиётшунослик илмида ҳали ўрганилмаган долзарб масалалардан биридир.

Бугунги кунда дунё адабий жараёнида Бобур асарлари матни кўлёзмалари ва таржималарини ўрганишга бўлган қизиқиш бутун дунё шарқшунос ва таржимонлари эътиборини тортмоқда. Дунё бобуршунослари томонидан шоир асарлари матни, ғоя ва мазмуни ҳамда бадиий маҳорати каби масалаларни илмий тадқиқ қилиш адабиёт ривожининг хусусиятларини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради. Турк олимларининг бу борадаги тадқиқотларини қиёсий ўрганиш ўзбек мумтоз адабиёти тамоилларини ишлаб чиқиша мухим аҳамият касб этади. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон адабиётига қўшган ҳиссасини илмий асослаш, асарлари матнининг дунё кутубхоналаридаги кўлёзмаларини тадқиқ қилиш, асарлари таржималарини ўрганиш ва шулар асосида шоир асарларининг мукаммал илмий танқидий матнини яратиш бугунги кунда устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда кечеётган кенг кўламли ислоҳотлар даврида адабиёт ва маънавият давлат сиёсати даражасидаги масала бўлиб келмоқда. Айниқса, бу соҳада хорижий мамлакатлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаси қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг¹ давлат дастурида устувор йўналиш сифатида белгилаб қўйилган илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ва инновация фаолиятини такомиллаштириш адабиётшунослик ва таржимашунослик соҳасида илмий изланишлар кўламини янада кенгайтириш учун қўшимча имкониятлар яратди. Ушбу стратегик вазифалар қиёсий адабиётшунослик, айниқса, ўзбек мумтоз адабиётини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида ҳам изланишлар олиб боришни тақазо этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи. 2017 йил. 8-февраль.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20-апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 12-январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24-майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 20-июлдаги ПҚ-3074-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 11-августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишининг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётида Бобур хаёти ва ижодини ўрганишда Ф.Кўпрулу томонидан амалга оширилган ишлар, «Бобурнома»нинг туркча таржимасига илмий баҳо бериш, шоир асарларининг Туркияда сақланаётган қўлёзма нусхалари ҳақида айrim қисқа маълумотлар айтилган. Бу жихат, асосан, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб шаклдана бошланган. М.Шайхзода, С.Азимжонова тадқиқотларида бу ҳақда қисқача фикрлар билдирган².

Бобур ижодининг турк тилидаги манбаларини ўрганиш масаласи, асосан, истиқлол йилларида янги поғонага кўтарилилган. Айни мустақиллик йилларида С.Ҳасанов шоир асарларининг Туркия нусхалари ҳақида, профессор Ҳ.Болтабоев «Бобурнома»нинг туркча таржимаси» ва «Хорижда бобуршунослик» асарида, А.Иброҳимов «Мубаййин» асарининг туркча илмий-танқидий матни» ҳамда «Бобур-арузшунос» номли мақолаларида, Ҳ.Қудратуллаев, Н.Отажонов, Д.Ҳошимова, О.Жўрабоев тадқиқотларида сўз юритилди³. Бироқ Бобур адабий меросининг туркча манбаларини

² Шайхзода М. Қўшиклар ҳақида // Ўзбекистон маданияти, – Тошкент, 1964. 4-июль.

³ Ҳасанов С. Бобур асарлари қўлёзмаларининг ўрганилиши ва «Куллиёти Бобур» ҳақида // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2008, №10, – Б.10; Болтабоев Ҳ. «Бобурнома»нинг туркча таржимаси // Бобур ва ўзбек миллий маданияти тараккиётининг айrim масалалари. – Андижон, 1993. – Б.67-70; ўша муаллиф. Хорижда

тўлақонли равища ўрганиш, уларни тавсиф ва чуқур таҳлил этиш, турк олимларининг шоир ижоди юзасидан яратган асарларига қиёсий адабиётшунослик нуқтаи назаридан илмий баҳо бериш каби масалалар бобуршунослик соҳасида ҳали ўрганилмаган. Туркиялик олимларнинг бобуршунослик соҳасида бажарган тадқиқотлари ўзбек адабиётидаги манбалар билан қиёсланмаган. Ушбу мавзу бўйича маҳсус тадқиқот иши олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқи» мавзусидаги илмий-тадқиқот режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Захиридин Мухаммад Бобур ижодининг ўзбекча-туркча манбаларини қиёсий тадқиқ этиш, турк олимларининг бобуршунослик йўналишида амалга оширган тадқиқотлари аҳамиятини очиб бериш, шоир асарларининг туркча таржималарини компонент таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Диссертациянинг олдига қўйилган вазифалар қўйидагилардан иборат:

Бобур ижодининг Туркияда ўрганилиши даври ва тадрижий босқичларини белгилаш;

«Бобур девони» таржимасини ўзбек адабиётидаги манбалар билан солиштириш, матний-қиёсий таҳлил қилиш орқали илмий хulosалар чиқариш;

«Бобурнома»нинг туркча таржимаси матнини ўзбекча илмий-танқидий матн билан қиёслаш, таржиманинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб бериш;

Бобурнинг илмий – фалсафий ва тасаввуфий асарларининг Туркияда ўрганилиши моҳиятини очиб бериш;

«Мубайин»нинг туркча таржимаси матн хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объектини «Бобур девони», «Бобурнома», «Рисолайи волидийя» ва «Мубайин» асарларининг ўзбекча ва туркча илмий нашрлари ҳамда А.Фитрат, Ф.Кўпрулу, Р.Р.Арат, Ҳ.Бойир, С.Азимжанова, С.Ҳасанов,

бобуршунослик, – Тошкент, 2008; ўша муаллиф. Мумтоз сўз қадри. – Тошкент, 2004; Иброхимов А. «Мубайин»нинг туркча таржимаси / ЎзАС. 2008, 15-сентябрь; ўша муаллиф. Бобур – арузшунос // Жаҳон адабиёти – Тошкент, 2005. №-5; ўша муаллиф. Бобур девонидаги лексемалар // Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида туттган ўрни (Халқаро илмий-анжуман материаллари). – Тошкент, 2008; Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараённида: қиёсий-типологик таҳлил. – Тошкент, 1998; ўша муаллиф. «Бобурнома» жаҳон адабий жараённида. Филол. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 1994; Хошимова Д.М. «Бобурнома» асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари («Бобурнома» танқидий матнининг япон нашрлари мисолида). Филол. фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2006; ўша муаллиф. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқики. фил. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2018. Жўрабоев О. Бобурнинг нечта девони бор // Тил ва адабиёт таълими – Тошкент, 2018. №-2. Б. – 41-43; ўша муаллиф. Матн аниқлиги кўлёзма билан // Фан ва турмуш – Тошкент, 2017. №1-2. Б. – 45-47.

А.Алпарслан ва А.Билканнинг Бобур асарлари борасида амалга оширган илмий тадқиқот ишлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Бобур асарларининг туркча таржимасида матн ва бадиий ифода билан боғлиқ масалалар, ўзбекча-туркча тадқиқотлар принципи ва моҳиятини белгилаш тамойиллари, Бобур ижодини ўрганишда тавсиф ва талқин масалалари тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион тадқиқотда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик ва тавсифий таҳлил тадқиқот методлари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бобур асарлари қўллёзма нусхаларининг Туркияда сақланаётган нусхалари хусусида илмий маълумотлар берилиб, ушбу қўллёзма манбалар асосида турк олимларининг Бобур асарлари таржима матнини яратишдаги услугуб ва тажрибаларини ўзбек адабиётига татбиқ этишининг бадиий таржима санъати ва матншуносликка доир назарий асослари ишлаб чиқилган;

Бобур асарлари нашрларини қиёсий таҳлил этиш орқали таржимашунослик ва қиёсий адабиётшунослик мезонлари асосида ҳар бир асар таржима матни ва тилига доир ютуқ ва камчиликлар аниқланган ва шу асосида шоир ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш тарихи, унинг тадрижий босқичлари ҳамда асарлари бадиий таржимасига оид ўқув-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

«Бобурнома», «Бобур девони», «Мубаййин», «Рисолайи волидийя» асарлари туркча таржималарининг қиёсий-типологик синтезидан келиб чиқиб, турк адабиётида шоир ҳаёти ва ижодининг ёритилиши, бадиий асарлари таржимаси, қўллёзма матни ва унинг тавсифи ва талқини кабилар билан боғлиқ бобуршуносликдаги актуал масалалар ва уларнинг ечимиға оид илмий-назарий хуносалар асосланган;

Бобуршуносликдаги илмий тадқиқотларда Бобур ҳаёти ва ижодига ёндашувнинг турлича кўринишда эканлиги, айниқса, шеъриятда бадиий асар жанрларини белгилаш тамойиллари, шунингдек, ҳар бир асарнинг яратилиш тарихи ва ўрганилиши, шоир ҳаёти ва ижодига оид тарихий саналарнинг қайд этилиши билан боғлиқ илмий маълумотларда турли хил чалкашликлар вужудга келганлиги ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бобур асарларининг дунё кутубхоналари фондида сақланаётган қўллёзмалари ҳақидаги ўзбек ва турк олимлари илмий қарашлари таҳлил этилган;

Ўзбек адабиётида Бобур асарларининг мукаммал илмий-танқидий нашрларини тайёрлашда зарур бўладиган назарий асослар ишлаб чиқилган;

олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими жараёнида талабаларга Бобур ижодини ўргатишда манба сифатида фойдаланиш мумкин бўладиган методик таъминот яратилган;

Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши, хусусан, бобуршуносликда турк адабиётидаги тадқиқотларнинг ўрни ва аҳамияти, уларнинг ўзбекча манбалар билан қай даражада мос келиши ҳақида илмий хуносалар ишлаб чиқилган;

Бобур асарларининг туркча таржималари таҳлили келтирилган;

Бобур асарлари матни қўлёзмаларининг дунё кутубхоналарида сақланаётган нусхалари тавсифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот иши Бобур асарларининг қўлёзма манбалари, тарихий адабиётлар, таржима манбалари, даврий матбуот ва бирламчи манбаларга асосланади. Тадқиқотдан олинган натижалар, хуносалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот материалларидан таржимашунос, тиљшунос, адабиётшунос ва тарихчилар амалий ва илмий изланишларида манба сифатида фойдаланишлари мумкин. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар Бобур асарлари борасида олиб бориладиган тадқиқотлар учун, айниқса, хорижда Бобур ижодини ўрганиш, бобуршуносликда ўзбек ва турк олимлари томонидан амалга оширилаётган илмий асарлар аҳамиятини белгилашда манба бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқот натижалари илмий материалларидан таржима назарияси ва амалиёти, матншунослик ва қиёсий адабиётшунослик асослари учун дастурлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда, маҳсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда материал ва услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши, хусусан, турк олимларининг бобуршуносликка оид тадқиқотлари, шунингдек, шоир асарларининг ўзбекча-туркча нашрларининг қиёсий типологик таҳлили жараёнida ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Туркияда бобуршуносликнинг пайдо бўлиши ва шоир асарларининг таржима қилинишига оид материаллардан Туркия жумхурияти Карабук Давлат университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимининг ўқув дастуридаги «Ўзбек адабиёти», «Матн шарҳи», «Чифатойча», «Туркий лаҳжалар муқоясаси», «Илмий тадқиқот усуслари» каби фанларни ўқитишида фойдаланилган (Туркия Республикаси Карабук Давлат университети Адабиёт факультети Турк тили ва адабиёти бўлимининг 2018 йил 28-сентябрдаги 009/10-сон маълумотномаси). Натижада университет талабаларининг ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Бобур ҳаёти ва ижодининг турк адабиётида ўрганилиши, асарлари таржимаси ва бадиий аҳамияти ҳақидаги билимларининг оширилишига эришилган.

Бобур ҳаёти ва ижодининг ўрганилиш даври ва тадрижий босқичлари, бунда ўзбек ва турк олимларининг ўрни юзасидан ишлаб чиқилган таклифлардан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган Ф1-02 рақамли «Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи» мавзусидаги фундаментал лойиҳасининг «XV-XVI асрлар адабиётшунослиги» бўлимида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлигининг 2018 йил 6-июндаги 89-03-3183-сон маълумотномаси). Натижада Бобур ҳаёти ва ижодини ёритиш, шоир асарларининг жаҳон адабиётида ўрганилиш масалаларини кенг ёритиш имконини берган.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Madaniyat va ma‘rifat» телеканали томонидан тайёрланиб эфирга узатилган Бобур ҳаёти ва ижодига доир «Шоҳ ва шоир», «Захириддин Муҳаммад Бобур», «Нафис мажлислар» номли туркум кўрсатувларнинг сценарийларини тайёрлашда кенг фойдаланилган. («Madaniyat va ma‘rifat» телеканалининг 2018 йил 26-августдаги 2-16/406-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатувлар орқали Бобур ҳаёти ва ижодига доир шу пайтга қадар маълум бўлмаган янгиликларни тақдим этишга эришилган.

Бобур ҳаёти ва ижодининг хорижда ўрганилиши масаласи, хусусан, Туркияда бобуршунослик даврининг пайдо бўлиши ва туркиялик бобуршунос олимлар илмий фаолиятига доир диссертация материалларидан «Бобур энциклопедияси» китобини тайёрлашда фойдаланилган (Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг 2018 йил 25-сентябрдаги 96-сон маълумотномаси). Айни илмий натижаларнинг қўлланилиши бобуршуносликнинг жаҳон адабиёти ва маданиятига қўшган янги қирраларини баҳолаш имконини берган. Дунё бобуршунослиги соҳасида турк олимларининг ўрни ва аҳамияти, улар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг қўлами ва натижаларини белгилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида қилинган маъruzаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилингани. Диссертация мавзуси бўйича 23 та мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрлар рўйхатида 16 та мақола, шундан 10 таси республика, 2 таси хорижий журналларда, 4 таси халқаро ва республика конференциялари илмий тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. «Бобур ижодининг хорижда ўрганилиши (ўзбекча-туркча манбалар қиёсий таҳлили)» мавзуидаги

диссертация кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, зарурати, мақсади, вазифалари белгиланган, обьекти, предмети тавсифланган. Республика фан-технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича тегишли маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Бобур лирикасининг Туркияда тадқиқ этилиши»** деб номланади. Мазкур бобнинг «Бобур шеърияти турк олимлар талқинида» деб аталадиган биринчи параграфида Бобур шеърияти ва унинг ўрганилиш тарихи ва тадрижий босқичлари, қўлёзма нусхалари, улар борасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва уларнинг аҳамияти, хусусан, Ф.Кўпрулу, З.В.Тўғон, Ф.Акун, Ю.Билол, Т.Сейҳан тадқиқотларининг зарурати, турк тилидаги ушбу тадқиқотларнинг ўзбекча манбалар билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ўрганилган.

Айни пайтга қадар «Бобур девони»нинг 9 та қўлёзмаси топилган бўлиб, улар Англия, Франция, Ҳиндистон ва Туркия кутубхоналарида сақланиб келинмоқда⁴. Мазкур қўлёзмалар асосида амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг ҳам кўлами кенгdir. XX асрга келиб шоир шеърларини нашр этиш анъанасини даставвал, Д.Росс (1910) бошлаган бўлса, сўнгра Ф.Кўпрулу (1915), А.Самайлович (1917), С.Азимжонова ва А.Қаюмов (1958, 1965), С.Ҳасанов (1982), Ш.Ёрқин (1983, 2008), А.Абдуғафуров (1994), Ю.Билол (1995), Ҳ. Муҳаммадхўжаев (1996), Э.Очилов (2007), В.Рахмонов (2008), А.Аъзамов (2014) томонидан амалга оширилган⁵. Шундай қилиб, қардош халқлар адабиёти тарихида Бобур

⁴ Девони Бобур подшоҳ. Англия, Лондон, Британия музейи кутубхонаси, D.P.1402 (london, The British Library D.P.1402, Turki ms 25); Девони туркий Бобур подшоҳ. Франция, Париж Миллий кутубхонаси. (Paris, Bibliotheque Nationale Suppl, Turk, № 1230); Девони Бобур. Ҳиндистон, Рампур Наввоб кутубхонаси, №19. (India, Library of Highness Nawwab, №19) Кўлёзма факсимилесини Д.Росс (9010) сўнгра С.Азимжонова (1966) эълон килган; Девони Бобур подшоҳ. Ҳиндистон, Ҳайдаробод, Саларжанг музейи, №4 (India, Salar jung Estate Lebrary, No:4); Девони Бобур подшоҳ. Ҳиндистон Ҳайдаробод, Саларжанг музейи, №18. (India, Salar jung Estate Lebrary, No:18); Девони Бобуршоҳ чифотойи. Туркия, Истанбул университети кутубхонаси. № 3743; Девони Султонул-аъзам Бобур Мирзо. Туркия, Истанбул, Топқопи саройи Равон кутубхонаси №2314; Девони Мирзо Бобур. Туркия, Истанбул шаҳар кутубхонаси, Муаллим Жавдат кўлёзмалар бўлими К. №332.

⁵ Э.Д.Росс. A Colliktion of Poems by the Emperor. Bobur. Dîvân-I Babûr Padişah, Journal ind Proceedings of the Asiatik Society of Bengal, Vol.6, Extra No., – Calkutta, 1910; Köprülü, M.Fuad. Babûr Şâhin şiirleri // Millî Tetebbular Mecmuası (МТМ), – İstanbul, 1915; А.Самайлович. Собрание стихотворений императора Бабура. – Петроград, 1917; С.Азимжонова, А.Қаюмов. Бобир лирикаси. – Тошкент, 1958. 119-б.; Асарлар. 1-жилд. (уч жиљдлик) Девон. Бадиий адабиёт нашриёти. – Тошкент, 1965. 236-б. Нашрга тайёрловчилар: С.Азимжонова, А.Қаюмов; С.Азимджанова. Индийский диван Бабура. – Тошкент, 1966; С.Ҳасанов. Бобир шеъриятидан. – Тошкент, 1982. – Б. 142; С.Ҳасанов. Маҳрами асрор топмадим (Париж девони нусхаси. Шеърлар). – Тошкент, 1993. – Б. 80; Ш.Ёрқин. Бобур девони. Кабул, 1983; Ш.Ёрқин. Дарё дар гуҳар (Бобур девонининг тўлиқ танқидий нашри. Кобул нашрига такмила) – Тошкент, 2008. – Б. 112-б; А.Абдуғафуров. Девон. – Тошкент, 1993, – Б. 142; Bilâl. Babûr Dîvâni. Atatürk Kültür Merkezi Yay. – Ankara.1995; Ҳ.Муҳаммадхўжаев.

асарларини ўрганиш, илмий академик ва оммавий нашрларини эълон қилиш ишлари, асосан, XX асрнинг 15-йилларида бошланган бўлиб, дастлабки илмий ноширлик ишлари туркиялик олим Мехмет Фуад Кўпрулу томонидан бажарилган. У Истанбулда шоир асарлари қўлёзма нусхаларидан бирини топишга мушарраф бўлгандан сўнг қўлёзма ҳақида бобуршунослик тарихида илк маълумотни айтиб, у асосда 1915 йилда «Миллий татаббулар» мажмуасининг 2-, 3- ва 5-сонларида «Бобуршоҳнинг шеърлари» номи билан шоирнинг маълум бўлмаган шеърларини чоп этган ва Туркияда бобуршунослик илмига асос солган.

Ф.Кўпрулу Бобур шеърияти, шунингдек, «Бобурнома», «Аруз рисоласи»⁶, «Мубаййин»⁷ каби асарларига доир ҳам илмий тадқиқотлар олиб борган. Олимнинг Бобур ва унинг бетакрор ижоди борасида амалга оширган катта ҳажмдаги илмий асарлари шоир адабий меросини ўрганишда дастлабки маълумотларни беради. Ф.Кўпрулу шоир шеъриятининг бадиий хусусиятлари ва ундаги бадиий санъатлар ҳақида у қадар тўхталмайди. Айни хулоса бошқа туркиялик бобуршунослар тадқиқотига ҳам тегишлидир.

Заки Валидий Тўғон (1890-1970)⁸ Бобур ижодининг ўрганилишига ўзига хос ҳисса қўшган олимлардан яна бири. Ўзбек мумтоз адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, ижодкорлари ҳақида бир қатор тадқиқотлар амалга оширган З.В.Тўғоннинг Бобур ижоди юзасидан қилган изланишлари шоир куллиётининг Техрон нусхаси ҳақида дастлабки маълумотни берганлигida намоён бўлади. Олим 1960 йили Туркияда нашр этилган Ислом тадқиқотлари институтининг илмий тўпламидаги «Техрон кутубхонасидаги Ҳиндистондан келган асарларда чигатой тилидаги темурийлар салтанати обидалари» номли мақоласида⁹ Бобур куллиётининг Техрон нусхаси ҳақида сўз юритиб, қўлёзма ҳижрий 931, милодий 1524-25 йили, яъни Бобур ҳаётлиги даврида кўчирилгани, қўлёзма ҳусниҳат ва китобат санъатининг юксак намунаси эканлигини баён этади. Нусхадан «Мубаййин» асарининг ҳам ўрин олганлигини айтади. З.В.Тўғоннинг ушбу маълумотлари кейинчалик бир қатор бобуршунос олимларнинг бу қўлёzmaga бўлган қизиқишини оширади. Жумладан, профессор С.Ҳасанов ва япониялик Э.Мано каби олимларнинг тадқиқотларига туртки бўлди¹⁰. Аммо Э.Мано ва

Шоҳ ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур. Назм дурдоналари. – Тошкент, 1996, – Б. 201; Э.Очилов. Сочининг савдоси тушти. – Тошкент, 2007, – Б. 288; Э.Очилов. Санга кўнглумни олдурдим. – Тошкент, 2011 – Б. 304; В.Раҳмонов. Фарибинг андижонийдур. – Тошкент, 2008. – Б. 288; А.Аъзамов Бобур девони. Назм маҳорати. – Тошкент, 2014. – Б. 234.

⁶ Koprülü, Fuad. Arûz İslâm Ansiklopedisi (IA), I, – Istanbul, 1942. – Б. 625-653.

⁷ Ўша муаллиф. Babür'un Aruz Risalası ve Mübeyyen / Turk Tili ve Edebiyatı Hakkında Arastırımları (Турк тили ва адабиёти ҳақида маълумотлар тўплами) / – Istanbul, 1934. – Б.204-256.

⁸ Турколог олим, ёзувчи ва шоир. 1913-1914 йилларда Фарғона ва Бухорода тадқиқот ишларини амалга оширган.

⁹ Ўша муаллиф. «Tahran Kutubhanalarinde Hindistan'dan gelen Eserlerde Çig'atayça dil ve Temurlu sanat abideleri», Turk tarix Kurumu Belletin, cild XXIV, sayı 95, – Ankara,1960; Ўша муаллиф. «Londra ve Tahrandaki islami yazmaların bazilarına dair», Islam tetkikliri institusisi dergisi, C.3, 1/2, – Istanbul, 1960, – Б.133-160.

¹⁰ Каранг: Ҳасанов С. Бобур асарларининг қўлёзмаларининг ўрганилиши ва «Куллиёти Бобур» ҳақида // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент, 2008. №10, – Б.8-13.

С.Ҳасановнинг бу қўлёзма борасида амалга оширган илмий изланишлари шуни кўрсатадики, З.В.Тўғон таъкидлаган «Бобур куллиёти»га девон киритилмаган. Қўлёзма нусхада айрим сарлавҳалар йўқ, 700 дан ортиқ байт тушиб қолган. Бундан ташқари «Мубайин», «Бобурнома», «Рисолайи волидийя» асарларида ҳам бир қатор узилишлар бор. Тадқиқотимизда бобуршунос олимларларнинг бу борадаги изланишлари ўрганилиб, фарқли жиҳатлар кўрсатилади.

Али Фуад Билкан (1963) – Бобур шеърияти ҳақида тадқиқот олиб борган, шунингдек, «Рисолайи волидийя»ни (2001) турк тилига таржима қилган олим саналади. Унинг шоир шеърияти ҳақидаги қарашлари «Бобур девони»да ва «Бобурнома»да Ҳиндистон ҳаётининг ифодаланиши» номли мақоласида¹¹ ўз аксини топган. Шунингдек, унинг «Ҳиндистондан келтирилган турк адабиёти» (1998), «Бобурнинг «Рисолайи волидийя» асари» (1999) номли мақоласи ва «Рисолайи волидийя» асарининг турк тилига қилган таржимаси (2001) бобуршунослик соҳасига доир тадқиқотларидир.

Олимнинг «Бобур девони»да ва «Бобурнома»да Ҳиндистон ҳаётининг ифодаланиши» номли мақоласида¹² шоирнинг самимий фикрлари шеърларида ҳам ўз ифодасини топганлиги қайд этилади. Муаллиф Бобур Мирзонинг Ҳиндистондаги ҳаётини ёритар экан, мақолага шоир девонининг Рампур нусхасини асос қилиб олади¹³.

А.Ф.Билкан мақоласи турк адабиётшунослигига шоир лирикаси ҳақида бирмунча кенг тасаввур беради. Бироқ мақолада адаб таваллуди ва вафотини билдирувчи саналар нотўғри берилган, шунингдек, шоир қаламига мансуб «Аruz risolasi», «Мубайин», «Хатти бобурий», «Рисолайи волидийя» асарлари хусусида ҳеч нарса дейилмаган. Масалан, А.Ф.Билкан Бобурни «25 декабрь куни вафот этади. Вафот этганида эндинга 48 ёшида эди» дейди. Бобур ҳаёти ва ижодига оид бундай нотўғри талқинларни туркча манбаларда афсуски, кўплаб кузатишими мумкин. Масалан, яна бир турк олими А.Кабаклининг «Турк адабиёти» (2002) тўпламида шоир шеърияти ҳақида сўз юритиб, айрим шеърларини жанр хусусиятига кўра, нотўғри ифодалайди. Жумладан, шоирнинг «Толе йўқки жонимга балолиг бўлди» деб бошланувчи машхур рубоийсини қитъа жанрига хос деб баҳолайди¹⁴. Турк адабиётидаги бундай айрим чалкашликлар буюк мутафаккир ҳаёти ва ижодига доир ўқувчининг баъзан нотўғри хulosаларга келишига сабабчи бўлади.

Бобнинг «Бобур девони»нинг тавсифи ва матн хусусиятлари» деб аталадиган иккинчи параграфида турк олими Ю.Билол томонидан таржима қилинган «Бобур девони»нинг туркча таржимаси аҳамияти, тавсифи, ўзига

¹¹ Bilkan Ali Fuad. Babür divanı ve «Babürname»de Hindistan hayatı // Bılıg. – İstanbul, 2002. – Б. 97-116.

¹² Ўша асар. – Б. 99.

¹³ Babür Divâni, Roza Library, no:19.

¹⁴ Қаранг: Ahmet Kabaklı. Türk edebiyatı. – İstanbul, 2002. – Б.56.

хослиги, ўзбекча манбалар билан қиёси, таржимон маҳорати, нашрнинг ютуқ ва камчиликлари тадқиқ этилган.

«Бобур девони»да (119-326) 119 ғазал, 18 маснавий, 210 рубоий, 57 муаммо, 19 қитъа, 15 туюқ, 79 матлаъ, 7 та маснуъ шеър, 16 та тугалланмаган ғазал, 3 назм, 16 мусарраъ байт, 5 муфрад, булардан ташқари яна форсча 2 та ғазал, 12 рубоий, 8 қитъа, 17 матлаъ ва 1 та мансур парча ўрин олган. Аммо ушбу тавсиф айрим туркча манбаларда нотўғри ифодаланади. Масалан, турк олими Н.Жейлан тадқиқотида девон таржимаси тавсифини хато бериш ҳолати кузатилади¹⁵.

Ю.Билол девон таржимасини яратишда мавжуд қўлёзмаларни синчиклаб ўрганади. Улар ўртасидаги муштарак ҳамда фарқли жиҳатларни аниқлади ва ҳар жиҳатдан маъқул келган нусхани танлайди. Бу ҳақда унинг ўзи таржимага асос қилиб Ў (Истанбул) нусхани олганлигини, қолган нусхаларга зарур ўринларда мурожаат қилганлигини ёзади¹⁶. Ю.Билолнинг Бобур асарлари ҳақидаги қараашлари бошқа олимлар фикрларидан фарқ қиласди. Масалан, Бобур шеъриятининг Ў (Истанбул №3743) қўлёзма нусхаси борасидаги тавсифи Ш.Ёрқин тадқиқотида берилган тавсифга мос келмайди.

«Бобур девони»нинг Истанбул қўлёзмаси асосида тайёрланган туркча илмий матнини А. Абдуғафуров томонидан 1994 йилда тайёрланган нашр¹⁷ ва Э. Очилов томонидан 2007 йил чоп этилган тўплам¹⁸ ҳамда В.Раҳмонов томонидан 2008 йилда нашрга тайёрланган тўплам билан ўзаро қиёслашимиз натижасида бир қанча фарқли жиҳатлар аниқланди. Буларни қуидагилар мисолида кўриш мумкин:

а) «Бобур девони»нинг туркча матнида 421, 423, 424 рақамлар билан белгиланган тулоқлар В.Раҳмонов нашрида учрамайди. Бундан кўринадики, «Бобур девони»нинг туркча нашри ўзбекча нашрлардан тулоқлар сонининг кўплиги билан ажралиб туради. Э.Очилов (2007) нашрида шоирнинг тулоқ жанридаги шеърлари сони 13 тани, А.Абдуғафуров (1994) ва В.Раҳмонов (2008) нашрида бир хил 14 тани ташкил этади. Туркча нашрда бу кўрсаткич 15 тани ташкил этади.

б) «Бобур девони»нинг туркча нашридан ўрин олган 397, 399, 405, 406, 408 рақамли қитъалар А.Абдуғафуров нашридан ўрин олмаган¹⁹. Демак, «Бобур девони»нинг туркча нашри ўзининг қитъалар сони кўплиги билан ҳам айтиб ўтилган нашрлардан фарқ қиласди.

А.Абдуғафуров ва В.Раҳмонов нашрида шоирнинг 13 та қитъаси берилган бўлса, Ю.Билол нашрида улар сони 19 тани ташкил этади. Э.Очиловнинг томонидан тайёрланган «Сочининг савдоси тушти» номли

¹⁵Қаранг: Ne'mat Ceylan. Babür eserleride ikilemiler. – Adana, 2009. – Б.21.

¹⁶ «Бобур девони». –Б.18.

¹⁷ Захиридин Мухаммад Бобур, Девон / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Абдуғафуров. – Тошкент, Фан, 1994.

¹⁸ Захиридин Мухаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Э.Очилов. – Тошкент, Шарқ, НМАК, 2007.

¹⁹ 397, 405, 406, 408 рақамли шеърлар Э.Очилов нашрида бор.

шоир шеърлари тўпламида эса бу кўрсатгич 22 тани ташкил этади. Э.Очилов нашридан ўрин олган 14, 15, 16 рақамдаги қитъалар А.Абдуғафуров ва Ю.Билол нашрларида туюқ жанрига хос эканлиги кўрсатилади²⁰.

Турк олими Ю.Билолнинг «Бобур девони» борасида олиб борган изланишлари, ўзбек адабиётида келажакда Бобур шеърларининг мукаммал илмий матнини яратиш лозимлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Бобурнома» асарига доир тадқиқотлар таҳлили»** деб номланиб, учта параграфни ўз ичига олган. Бобнинг биринчи параграфи *«Бобурнома»нинг ўрганилиши тарихи ва таржималари»* деб аталади.

Мазкур бобда «Бобурнома» асарининг ўрганилиш тарихи, қўлёзма нусхалари, таржималари, турк адабиётида ўрганилиш жараёни, даври ва тадрижий босқичлари, асарнинг Р.Р.Арат томонидан қилинган туркча таржимаси аҳамияти ва унинг ўзбекча нашр (2002) билан қиёсий таҳлили, асар тадқиқида Ҳ.Бойирнинг ўрни, асарнинг фан соҳаларида тутган ўрнига доир турк олимлари томонидан олиб борилган қатор тадқиқотларнинг тавсифи ва таҳлили берилган.

«Бобурнома» муаллифига катта шараф келтирган, дунёда ўхшashi йўқ асардир. Бугунга қадар асар дунёнинг 17 та тилига таржима қилинган ва айрим таржималарнинг қўлёзма нусхалари бор. Масалан, биргина форсча таржимасининг 20 та қўлёзма нусхаси мавжуд. 17 та тилга қилинган ҳар бир таржима эса турли даврда қайта ва қайта нашр этилган. Ҳар қанча эътирофга лойик бу асарнинг XVI-XX асрларда кўчирилган 17 та қўлёзмаси маълум бўлиб²¹, ушбу кулёзмалар асосида эса кўплаб илмий тадқиқотлар бажарилган. Асар бугунга қадар йигирмадан ортиқ ном остида нашр этилган бўлиб, факсимиле нашрларини дастлаб, Қозонда Н.И.Ильминский (1857)²², Лондонда Бевериж хоним (1905)²³ нашр этган. Ўзбекистонда дастлаб профессор Фитрат (1928) асардан айрим парчалар кўринишида эълон қилган²⁴. Асарни илмий нашр эттириш билан боғлиқ кейинги тадқиқот профессор Р.Р.Арат томонидан 1943-1946 йилларда таржима кўринишида бажарилган.

Турк адабиётида Бобур Мирзо ижоди, хусусан, «Бобурнома» ҳақида Ф.Кўпрулудан кейин яна бир туркиялик олим, доктор Ризо Нур томонидан 1925 йилда Анқарада чиқарилган «Турк юрти» журналидаги «Бобур» номли мақоласида сўз боради. Унда Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, асарлари, хусусан, «Бобурнома»га оид маълумотлар китобхонлар эътиборига ҳавола этилади. Бир сўз билан айтганда Ф.Кўпрулу, Р.Нур, А.Фитрат, Р.Р.Арат томонидан

²⁰ Каранг: Захириддин Муҳаммад Бобур. Девон / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Абдуғафуров. – Тошкент, Фан, 1994. – Б.106; Yücel Bilâl. Babür Dîvâni. – Ankara, 1995. – Б.286-287.

²¹ Бу ҳақда каранг: Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент, 2014. – Б.170.

²² Н.Ильминский Бабер-наме (Diagataice ad fidem codicis petropolitani), – Казан, 1857.

²³ Beveridge, Annette Susannah, The Babur-nama. – London, 1905.

²⁴ Бу ҳақда каранг: Болтабоев Ҳ. Бобуршоҳ Фитрат талқинида // Мумтоз сўз қадри, – Тошкент, 2004. – Б. 127-131.

олиб борилган тадқиқотлар туркй халқлар адабиётида Бобур ижодига доир изланишларнинг ilk дебочаси саналади. Улардан кейин бугунга қадар эса Бобурнинг кўп қиррали шахсияти ва «Бобурнома» асари билан биргаликда унинг бошқа асарлари устида кўплаб илмий нашрлар юзага келди.

«Бобурнома»нинг туркча таржимаси турк тилида профессор Р.Р.Арат томонидан «Vekayi» - Бобур хотироти» деган ном остида икки жилд ҳолида нашр эттирилган. Ҳ.Бойирнинг бобуршунослик илмига қўшган улкан хиссаси таржима сўз бошиси ҳамда «Тарихий маълумотлар» бобини ёзганлиги билан баҳоланади. У «Vekayi»да (023-0138 бет) Амир Темур сулоласи, хусусан, бобурийлар давлати ва уларнинг фан ва адабиёт соҳасида тутган ўрни ҳақида тўхталади. У буларни ёритишида «Бобурнома»нинг Ҳайдаробод нусхаси ҳамда «Акбарнома» ва «Хумоюннома» асарларига таянади.

Ҳ.Бойир томонидан ёзилган ушбу маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, қўйидаги хulosалар келиб чиқади:

таржимага асос қилиб олинган нусха Бобур даврига нисбатан яқин даврларда номаълум котиб томонидан Ҳайдарободда кўчирилган нусхадир. Яъни Ҳайдаробод нусхаси;

асар сўзбошиси ва «Тарихий маълумотлар» қисмида келтирилган иқтибосларнинг барчаси Ҳайдаробод нусхасига тегишли;

Р.Р.Арат таржимаси Н.Ильминский томонидан нашр қилинган Қозон нашри билан солиштирилган ҳолда тайёрланган.

«Бобурнома»нинг Р.Р.Арат тайёрлаган матни билан С.Ҳасанов тайёрлаган ўзбекча илмий-танқидий матнини қиёсий-таҳлил қилиш орқали жумладан, қўйидагилар аниқланади. Асар бошланиши:

«Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим! Тенгри Таолонинг инояти билан ва ҳазрати он(1б)²⁵ Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сесанба куни, рамазон ойининг бешида, тарих секкиз юз тўқсан тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум»²⁶.

«Salı günü, beş ramazan 899 (10 haziran 1494) ’da Fergana vilayetinde, on iki yaşında padişah oldum» (Р.Р.Арат, «Vekayi»).

Кўринадики, таржимада асарнинг бошланғич (1б) сахифасидаги *«Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим! Тенгри Таолонинг инояти билан ва ҳазрати он(1б)Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан»* матни йўқ.

Ёки, *«Сайхун суйининг шимоли тарафдаги касабалар: бири Аксидур. Китобларда Ахсикат битурлар. Нечунким, Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар. Фарғонада, Андижондин сўнгра мундин улугроқ касаба йўқтирир* («Бобурнома», 36-бет).

²⁵ Бу Ҳайдаробод нусхасига тегишли сахифа.

²⁶ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент, 2002. (Бундан кейинги ўринларда ушбу асар номи ва сахифалари матн ичida кўрсатилади).

Туркча матнда «*Нечунким, Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар*» (Р.Р.Арат, «*Vekayi*» 4-бет) деган жумла тушириб қолдирилган. Оқибатда шоир Асириддин Ахсикатий ҳақида маълумот айтилмай қолган.

«Бобурнома» 925 йил воқеалариға эътибор қаратамиз²⁷: «...(220a) Одина куни, ойнинг йигирма олтисида ушбу юртта эканда Ҳиндолни Моҳимга бериб, хатлар битиб, Юсуф Али рикобдорни Кобулга йиборилди. Ушбу юртта эканда Мондии вилоятида даранинг ўртасида бир баланди устида улуғ суфа тош билан ясалдиким, оқ уй пешхонаси била сизди. Бу суфанинг тошларини томом ичкилар ва сипоҳийлар ташидилар. Бу сўзнинг тафсили будирким, чун анинг туққонлардин ул замонгача...» («Бобурнома», 163-бет).

Туркча матнда «Ушбу юртта эканда Мондии вилоятида даранинг ўртасида бир баланди устида улуғ суфа тош билан ясалдиким, оқ уй пешхонаси била сизди. Бу суфанинг тошларини тамом ичкилар ва сипоҳийлар ташидилар.» жумлалари мавжуд эмас (Қаранг: «*Vekayi*» 2-жилд, 247-бет).

Шунингдек, асарнинг 231б саҳифасида «*Тушга ёвуқ келиб*» ҳамда 232а саҳифасидаги «*Нилобдин кечгондин сўнг Ҳаатийнинг Парбат отлук ургениким,*» («Бобурнома», 170-171-бет) жумлалари таржимада тушириб қолдирилган.

Таржимада яна 233а саҳифадаги «*Ушбу кун менинг яхши шаҳбозим йўқолди*» жумласи ўрин олмаган. Р.Арат томонидан тайёрланган матнда «*Шаҳбозим турна ва какликни яхши тутарди*» тарзида берилса («*Vekayi*» 2-жилд, 261-бет), «Бобурнома»нинг С.Ҳасанов тайёрлаган матнида «*Шаҳбозим турнани ва лаклакни яхши тутар эди*» дейилади («Бобурнома», 32-бет).

«Бобурнома»нинг Р.Р.Арат тайёрлаган таржима матнида 914 йил воқеалари бошқа илмий-танқидий матнларда бўлгани каби «*Бу ёз Муқур навоғҳисида Маҳманӣ афғоннинг бир бўлагини чопилди.*» воқеаси билан бошланиб, «*Хандақ йўли била Оҳанин дарвозасига етиб эдимким, ул тарафдин Бозор йўли била Хожа Муҳаммад Али келди, била келиб мен ҳаммомнинг тоқининг...*» воқеаси адогига етмай, шу тарзда узилиб қолган.

С.Ҳасанов тайёрлаган матндан «*Бобурнома*»нинг 935 йил воқеаларини ўқиймиз: «*Тонгласа одина куни Муҳаммад баҳши ва баъзилар келиб, мулозамат қилдилар. Номози пешинга ёвуқ Жуундин ўтиб, Хожа Абдулҳаққа мулозамат қилиб, қалъа бориб, амма бегимларни кўрдим*» («Бобурнома», 2002, 261-бет).

Асарнинг туркча матнида «*Номози пешинга ёвуқ*» сўзлари учрамайди. Қолаверса, матнда «*Хожа Абдулҳаққа мулозамат қилиб, қалъа бориб, амма бегимларни кўрдим*» тарзида эмас, «*холаларимни кўрдим*» («*Vekayi*», 2/429-бет) тарзида берилади.

²⁷ 925 йил С.Ҳасанов нашрида 915 йил воқеалари деб кўрсатилади.

Таржимада, шунингдек, 936 йил воқеалари деярли келтирилмаган: «Сешанба куни, муҳаррам ойининг ўн учидаги Гвалийардин Шиҳобуддин Хисрав била Шайх Муҳаммад Гавс Раҳимдоддинг шафоати учун келди. Чун дарвеш ва азиз киши эди. Раҳимдоддинг гуноҳини аларга бағишилаб, Шайх Гуран била Нурбекни Гвалийарга ийборилдиким, Гвалийарни буланга тобишуруб...»²⁸ Таржимада 936 йил воқеалариға фақат ушбу матн битилган холос, шу билан асар таржимаси тамомланган.

«Бобурнома» таржимасида маълум сабабларга кўра камчиликларга йўл кўйилган. Бунинг сабабларидан бири «Бобурнома»нинг деярли барча илмий нашрлари асосида Қозон ва Лондон нашрлари туради. Шу жумладан, Р.Р.Арат томонидан қилинган таржима ҳам айнан шулар асосида яратилган. Бу ерда энг катта нуқсон иккала асос нашр ҳам араб алифбосида ёзилмаганлигида намоён бўлади. Бироқ Р.Арат асардаги ҳар бир сўз ва иборани таржима қилишга ниҳоятда эҳтиёткорона ёндашади. Сўзнинг маъно чегарасидан чиқмаслигини таъминлашга ҳаракат қиласи: «...ушбу навоҳида эканда бизнинг черик бориб, Ўзрай ва Даҳонадин ошлиқ келтурдилар» (Бобурнома, 2002. 141-бет, 912 йил воқеаларидан). Туркча матнда айни жумлалар «Bu civarda iken askerlerimiz Guri ve Dehane taraflarina gidib erzak getirdiler» тарзида келади. Матннинг ўзбекча нашрида Ўзрай ва Даҳона деб келтирилса, туркча матнда бу сўз «Гури» яъни, Қоҳмирнинг шимолий шарқида жойлашган манзил, «Даҳона» эса Балхнинг жанубида жойлашган жой номи сифатида кўрсатилади. Бу маълумотларни китобхон тушунчасига етказиш, табиийки, таржимоннинг бутун диққат ва билими билан ўлчанади. Ваҳоланки, бадиий таржиманинг асосий шартларидан бири ҳам ҳар бир сўзнинг маъносини тўғри акс эттириш, асл нусханинг нозик индивидуал услугуб хусусиятларини бутун мукаммалиги билан сақлаб қолишдадир.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи «Бобурнома»нинг илмий тадқиқ этилиши» деб аталади. Бу параграфда асарнинг турк олимлари томонидан илмий тадқиқ этилишига эътибор қаратилади. Тарих, тиљшунослик, табобат, зоология каби фанлар ривожидаги ўрни олимлар тадқиқотлари мисолида кўрсатиб берилган. Жумладан, Али Алпарслон «Хатти Бобурий ва унда ёзилган Қуръон» (1976), Масъуд Шен «Бобурнома»нинг Кобул ва Ҳиндистон бўлимларига оид» диссертация (1993), Муқаддер Гунирий «Бобурнома»нинг асосий қоидалари» (1994) ва «Бобурнинг сиёсий-социал ва маданий соҳага кўшган хизматлари» (2001), Мехмет Тургут «Бобурнома»да ҳайвонлар ва овчилик» деб номланган монография (2008), Аҳмед Варол «XIII-XIX асрларда Усмонийлар-Бобурийлар муносабатлари» (1998), Исмоил Пирланта «Бобуршоҳ ва Бобурийлар давлатининг ташкил топиши» (2001), Мурат Юрдакўк «Бобурнинг тиббиётга оид қарашлари» асарини (2008), Отатурк университети илмий ходими Ҳусайн Байдемир «Бобурнома»да фольклоризм ва этнографик унсурлар» номли монографияни (2010) Билол Кучун

²⁸Ҳар икки босмада ҳам асар мана шу «топшуруб» сўзига келиб узилиб қолади.

«Бобурийлар сулоласи асосчиси Бобур шоҳнинг ташқи сиёсати» (2011) Воҳид Турк «Бобур девони»нинг тил хусусиятлари» борасида (2012), Неъмат Жейлан «Бобур асарларида қўшма сўзлар» мавзуидаги диссертация (2007) Мунаввар Текжан «Туркияда Бобур ижодининг ўрганилишига доир» мақолалари (2012), Эржан Акёл «Бобур ва «Бобурнома» хусусида» (2014), Арзу Екилмаз «Бобурнома» да феъл сўз туркумлари тадқиқига доир» (2014), Ҳамза Ялчинқоя «Бобур хотиротидаги тарихий шахслар» (2013), Дуйгу Кожа «Бобурнома» тил хусусиятлари ва луғати» (2013) каби қатор тадқиқот ишлари олиб борилди. Шубҳасиз, туркий адабиётида бу каби илмий-тадқиқот ишларнинг юзага келишида «Бобурнома»нинг туркча таржимаси ва унда келтирилган маълумотлар асосий ўрин тутди. Юқорида айтиб ўтилган тадқиқот ишлари турк олимларининг «Бобурнома»ни илмий тадқиқ этиш борасидаги ишлар кўламининг кенглиги ва самаралилигини кўрсатиб беради.

Тадқиқотда турк олимларининг «Бобурнома»ни илмий тадқиқ этиш борасидаги ишлари тавсифланади ва таҳлил этилади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Илмий-назарий ва фалсафий-тасаввуфий асарларининг ўрганилиши»** деб номланиб, унинг биринчи параграфи **«Бобурнинг илмий-назарий асарлар тадқиқи»** деб аталади. Бу ерда «Аruz рисоласи» ва «Хатти бобурий» асарларининг ўрганилишига бағишланган туркча манбалар қиёсланади.

Шоирнинг аruz назариясига доир рисоласи бошқа рисолалардан анча фарқ қиласиди²⁹. «Аruz рисоласи» қўлёзма нусхаларининг топилиш тарихи узоқка бормайди. Бобуршунослик илмида рисола қўлёзмаси ҳақидаги илк маълумотни Ф.Кўпрулу айтади³⁰.

Ф.Кўпрулунинг ислом энциклопедияси биринчи жилдига кирган «Aruz» номли мақоласида³¹ мазкур рисола адабиётшунослик тарихини ўрганишда ва туркий халқлар мумтоз поэзиясини тадқиқ этишда муҳим ўрин тутиши таъкидланади. Бобур аruz назариясини ёзиш баробарида шарқнинг йирик шоирлари меросига ҳам қўплаб мурожаат қилганлиги ва улар асарларидан намуналар олгани айтилади.

«Турк тили ва адабиёти хрестоматияси»даги «Гуюқ» номли мақоласида Ф.Кўпрулу асарнинг таҳлилини келтиради. Мақолада Бобуршоҳнинг турк шеъриятига мансуб тарона, қўшиқ, туюқ (тажнис) ва бошқалар ҳақида мумтоз оҳанг ҳамда шеър тузилиши қоидаларини қўллаганлигини кўрсатади. Олим ўз замонидаёқ Бобурнинг шеърий қобилияти барча шоирлар томонидан юқори баҳоланганини алоҳида қайд этади.

Ф.Кўпрулунинг «Aruz рисоласи» юзасидан олиб борган тадқиқоти кейинчалик В.И.Аслонов, А.М.Шчербак, И.В.Стеблева, М.Ҳамроев, Ф.Акун, А.Алпарслан, А.Кунукчи, Ю.Билол, Т.Сейҳан каби олимлар изланишларига

²⁹ Yücel Bilâl. Babür Dîvâni, Atatürk Kültür Merkezi Yay. – Ankara, 1995.s.575. – Б.16.

³⁰ Ҳасанов С. Бобур асарларининг ўрганилиши ва «Куллиёти Бобур» ҳақида / Адабиёт кўзгуси, – Тошкент, 2008, №10, – Б. 9.

³¹ Köprülü, Fuad. Arûz // TDV İslâm Ansiklopedisi, – İstanbul, 1942. s. 625-653.

асос вазифасини ўтайди³². Турк адабиётида «Аруз рисоласи» ҳақида тадқиқотлар бўлса-да, рисола ҳамон турк тилида нашр этилмаган.

